

СохибкIRON Амир Темурнинг жахоншумул обрў-эътибор ва шон-шухрат козонишида бош омил хисобланган жихат, яъни саркардалик дахоси, харбий истеъдоди ва махорати, жахон харб санъатига кўшган улкан улуши борасида кўпдан-кўп фикр-мулохазалар, илмий ҳамда бадий асарлар мавжудлигига карамасдан, бу борадаги изланишларни узлуксиз давом эттириш СохибкIRONнинг харбий иш соҳасидаги янгидан-янги хусусиятларини кашф этишга хизмат килади, деган фикрдаман.

Хазрат Амир Темурнинг бутун жахон ахлини хайратга солган харбий зафарларига, албатта, факат унинг Оллох томонидан инъом этилган лашкарбошилиқ салоҳияти маҳсули дебгина карамасдан, балки унинг фавкулудда замонавий курол-яроғлар билан таъминланган, ўша даврнинг илгор жанг олиб бориш амалиётларини мукамал эгаллаган ўта интизомли армияни тузиши натижаси тарзида баҳоламок ҳам мақсадга мувофиқдир.

Асосий қарвон йўллари устидан катъий назорат ўрнатиш, салтанат кудратини юкори поғонага олиб чиқиш, халқ турмуш тарзини кўтариш каби олий мақсадлар йўлида Амир Темур XIV — XV асрларда ҳам стратегик, ҳам тактик жихатдан тенги йўқ тезкор харбий кучлари билан сонсиз жангу жадалларда иштирок этди, оламшумул галабаларга эришди. Амир Темур ўзининг 45 йил давомида олиб борган тўхтовсиз харбий ҳаракатларида кўшиннинг турли бўлинма ва қисмларини бошқарувчи истеъдодли кўмондонларни танлашга, уларни тарбиялаб, вояга етказишга алоҳида куч сарфлади. Харбий ишнинг мураккаб сир-асроридан тўла воқиф бўлган, ганим кучлари сафларини синдириш усулларини пухта эгаллаган, мураккаб вазиятларда ҳам эсанкирамай дадил ҳаракат киладиган, ҳар қандай тўсик ҳамда говларни усталиқ билан босиб ўтадиган, мақсадларнинг рўёбга чиқиши йўлида ўз жонини ҳам баҳшида этадиган фидокор ва содик шахсларни СохибкIRON, биринчи навбатда, кўшинда мавжуд бўлган турли лашкарбошилиқ вазифаларига лойиқ топар, аскарлар такдирини уларга топширар эди. Тарихий манбаларнинг шаҳодат беришларича, Амир Темур барпо этган кудратли армиянинг турли-туман қисм ва бўлинмаларига уч юз ўн уч бек сардорлиқ қилган. Уларнинг дастлабки юзтаси ўнбегилик, иккинчи юзтаси юзбегилик, учинчи юзтаси мингбегилик мансабларига эгаллиқ қилган. Туман, яъни ўн минг жангчидан иборат дивизияларга СохибкIRONнинг ўғиллари, набиралари, сафдошлари ва уларнинг фарзандлари бошчилиқ қилган. Амир Темур армиясида хизматда бўлган саркардаларни шартли уч гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга СохибкIRONнинг марказлашган салтанат барпо этиш иддаоси билан сиёсат саҳнасига чиққан вақтдан умрининг сўнги онларигача унга садокат ва вафо билан ҳамфикр, ҳамнафас бўлган амир Сулаймон барлос, амир Жаку барлос, амир Хожи Сайфуддин нукуз, амир Аббос баходир кипчок, амир Довуд дуглат, амир Муайяд арлот, амир Окбўга баходир найман, амир Шайх Али баходир, амир Элчибўга баходир, амир Эйгу Темур баходир сингари уруғ ва қавм сардорларини киритиш жоиз.

Иккинчи гуруҳдан СохибкIRONнинг дўстлари, тенгқурлари, содик сафдошлари, фарзандлари ўрин олади. Булар ичида 1383-1384 йили вафот этган амир Жаку барлоснинг ўғли амир Жаҳоншоҳ, 1391 йили Тўхтамишхон билан бўлган тенгсиз жангда ҳалок бўлган Эйгу Темурнинг кондоши амир Шохмалиқ, амир Сарибўга жалойирнинг фарзанди амир Шайх Нуруддин, амир Аббос баходирнинг ўғиллари — амир Усмон, амир Умар, амир Шамсуддин, амир Хожи Сайфуддиннинг укаси амир Аллоҳдод, амир

Тогайбўганинг ўгли амир Рустам сингари кўпдан-кўп саркардалар алохида жой эгаллайди.

Учинчи гурухни Сохибкироннинг хос фарзандлари, набиралари, якин тугишганлари ташкил этади. Булар жумласидан Жахонгир мирзо, Умаршайх мирзо, Амираншоҳ мирзо, Шохрух мирзо ва уларнинг пушти камаридан бўлган фарзандлари Мухаммад Султон мирзо ва Пир Мухаммад мирзо ибн Жахонгир мирзо, Пир Мухаммад мирзо, Рустам мирзо ва Искандар мирзо ибн Умаршайх мирзо, Абубакр мирзо, Умар мирзо ва Халил Султон мирзо ибн Амираншоҳ мирзо киради. Шохрух мирзонинг ўгиллари хали ўта кичик ёшда бўлганлари боис улар Амир Темурнинг хаётлик пайтида унинг аскарый кисмларига, табиий, саркардалик килолмас эдилар.

Мазкур гурухга Сохибкирон кизи Огабегининг ўгли Султон Хусайн мирзо ҳамда опаси Кутлуг Туркан оганинг амир Довуд дуглатдан тугилган фарзанди амир Сулаймоншоҳ баходир мирзо ҳам ҳакли равишда тааллуқлидир.

Амир Темур кўмондонлар таркибининг харбий ишда талаб даражасида махорат ва малакага эга бўлган истеъдод сохибларидан шаклланишига катта эътибор қаратган. Харбий қобилияти бор муайян бир шахс, ижтимоий ҳолатидан катъи назар, лашкарбошилиқ рутбасини қўлга киритган.

Сохибкироннинг хос навкарларидан бўлмиш Мубашширнинг Амир Темурнинг шахсий раҳнамолигида амирлик даражасига ўсиб бориши зикр этилган мулоҳазани тасдиқлашда яққол мисолдир. Сохибкирон шахсан ўзи олий бош кўмондонлик қилган барча йирик мухорабаларда бевосита қатнашган амир Мубашшир, масалан, Туркия султони Боязид Йилдирим билан 1402 йили Анкара бўсағасидаги жангда Амираншоҳ мирзо, Мухаммад Султон мирзо, Пир Мухаммад мирзо, улуг амирлар — Шайх Нуруддин, Али Султон, Али Кавчин ҳамда Тахуртан қатори қўшиннинг бурангаридан жой олган. Бўлажак саркардалар жуда ёшлиқдан харбий санъатнинг нозик жиҳатлари билан яқиндан танишган, тажрибали мураббийлар, яъни отабеклардан аскарый иш борасида сабоқ олган, харбий ҳаракатларда фаол иштирок этганлар.

Манбаларга мурожаат қиламиз. Жахонгир мирзо ва Умаршайх мирзо ўспиринлик чоғидан сиёсий ҳамда харбий ҳаётда фаоллик кўрсатганлар. Амираншоҳ ўн тўрт ёшида Хуросон мулки ҳукмдори этиб тайинланган ва шу ўлканинг қўшинларини бошқарган. 1377 йили таваллуд топган Шохрух мирзо 1390 — 1391 йиллари амалга оширилган юришларда қатнашган.

1398 йилнинг 17 декабрида Дехли ҳукмдори Султон Махмудхон билан тўқнашув вақтида Амир Темурнинг эътиборли бекларидан Худойдод қўлида таълим олган, эндигина ўн беш баҳорни қаршилаган Халил Султон мирзо ҳаммадан бурун душманга ҳамла қилади ва бир жанговар филни ўлжа олиб, Сохибкирон хузурига келади. Натижада бобоси томонидан турли-туман мактову навозишлар билан тақдирланади.

Амир Темурнинг харбий сафарлари синчиклаб таҳлил этилса, уларда навкирон саркардаларнинг ўзларига ишониб топширилган қисм, бўлинмаларга тажрибали, ададсиз жангу жадалларнинг иштирокчиси бўлган эътиборли бекларнинг ўзига хос назорати остида кўмондонлик қилганлигини пайкаш мумкин. Масалан, Сохибкироннинг Шерозда турганлигидан фойдаланган Тўхтамишхон 1388 йили Самарқанд ҳудудига бостириб киради. Бобоси йўқлигида Мовароуннахр чегараларини асраш масъулияти зиммасига топширилган йигирма ёшли Умаршайх мирзо зудлик билан черикка бош бўлиб ёвга қарши сафарга отланган. Унга Амир Темурнинг якин сафдоши, ҳисобсиз савашларда суяги қотган амир Аббос баходир ва бошка нуфузли беклар ҳамкорлик

килади.

1383 йили сеистонликлар билан бўлган тўқнашувда ўн етти ёшли Амираншоҳ мирзо ўнг кўлнинг манглай (авангард)идан жой эгаллаган, улуг амирлардан бир гуруҳи, жумладан, амир Хожи Сайфуддин, амир Окбўга унинг хизматида бўлганлар.

Маълумки, Сохибкироннинг саркардалик салоҳияти унинг бир неча катла оз ададли аскар билан кўпсонли ганим лашкарига қарши жанг олиб борган вазиятларда ҳам рўй-рост намоён бўлган. Куръони Каримдаги “Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Оллохнинг изни билан катта гуруҳлар устидан галаба қилган”лиги ҳақидаги оятни яхши билан Амир Темур ақсар ҳолларда миқдор жиҳатидан бир неча бор зиёд бўлган ёвга рўбару келиб, ўзига хос лашкарбошилиқ зехни кўмагида зафарлар қучган.

Сохибкироннинг мана шу жиҳатини унинг лашкарбошилари фаолиятида ҳам қайта-қайта қузатиш мумкин.

Ҳиндистон юриши вақтида, Жаун дарёси бўйида Севинчак баҳодир, Саййидхожа ва амир Мубашширнинг уч юз кишилиқ отлик аскарлари билан Маллуҳоннинг тўрт минг суворий, беш минг пиёда, йигирма етти жанговар филга қарши мардонавор жангга қириб, ҳиндларни Дехли томон чекинишга мажбур этганлигини ёки Умаршайх мирзонинг 1389 йили олтиш навқари билан саккиз юз кишилиқ ганим лашкарларини тор-мор қилганини шулар жумласидан, деб ҳисобласа бўлади.

Сохибкирон лашкарбошилари матонати, жасурлиги, душмандан асло чўчимаслиги, ўта оғир вазиятларда ҳам аскарларни ўз кетидан эргаштириш, улар қалбида галабага бўлган ишончни авж олдириш салоҳиятига эга эди. 1372 йили Хоразмга қилинган дастлабки сафарида Кат шахрини ишғол этиш чоғида амир Шайх Али баҳодирнинг биринчи бўлиб қалъа фаслига чиқиши ёхуд Муҳаммад Султон мирзонинг 1393 йили Шуштар қалъасини эгаллаш пайтида ҳаммадан аввал ҳисор устига чиқиб, туг ҳамда байроқларни ўрнатиши сингари ҳисобсиз ҳаракатларни мисол тариқасида қелтириш мумкин.

Саркардаларнинг жасорати, қахрамонлиги, довураклиги, ҳарбий тактик амалиётларни моҳирона қўллаши Амир Темур эътиборидан четда қолмас, аксинча, инояту марҳаматлар қўрсатилар, муносиб даражаю унвонлар билан шарафланар, турфа тортигу суюрғоллар билан сийланарди.

1388 йили Кўча Малик Мўғулистон ҳукмдорларидан Инқотўра ортидан қувлаб қориб, ўн уч навқари билан Хўжанд яқинидаги Жийжол мавзеида ёвнинг уч юз жангчисига шабихун қилиб, Хўжанд ва унинг теварак-атрофидан олинган асирларни душман тутқунидан қутқарган, уларга йўл озиғи бериб, юртларига жўнатгани боис Сохибкирон унга суюрғол тайин этади ва тархонлик мансабини бериш ҳақида фармон чиқаради.

1391 йили Дашти Қипчок қўшини билан бўлган даҳшатли муҳорабада қимда-қим мардлик ва қахрамонлик қўрсатган бўлса, Амир Темур ўша шахсга тархонлик нишонини беради ҳамда уларни ўз ҳузурига қиришдан ҳеч қимман қилмасин, уларни ва фарзандларини тўққиз марта гуноҳ содир этмагунча сўроқ қилинмасин, отларидан улов учун олинмасин, барча фавқулудда йигинлардан озод этилсин, деб ҳукм чиқаради. Амир Шохмаликнинг мартабасини улуглаб, унга парвоначи мансабининг хос муҳрини топширади. Унинг яқинлари ва қариндошларини ҳам ўз иноят ва марҳаматига мушарраф этиб, содиқ саркардасига вазирлик тўнини қийғизади.

Амир Темур армиясида лашкарбошиларнинг жанг чоғида бир ёқадан бош қикариб ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишлари, қийин, ҳавфли ҳолатларда зудликда қўмакка қелишлари аъло даражада йўлга қўйилганини қузатамиз. 1398 йилнинг 2 ноябрида

Батнайр калъаси ахоласидан солик молини ундириш мақсадида жўнатилган амир Шайх Нуруддин ва амир Аллохдан бошлик жангчилар гурухи габрлар курсовига тушиб колади. Жангда анчагина киши ярадор бўлади. Амир Шайх Нуруддинни душман ўртага олиб, асирга туширишига оз фурсат колганда Феруз Сеистоний ва унинг навкарлари габрлар устига шибга ўки ёгдириб, амир Шайх Нуруддинни халокатдан куткариб коладилар. СохибкIRON Феруз Сеистонийни ушбу жасорати учун муносиб тақдирлайди. Амир Темур ўз саркардаларини ўта кадрлаган ва эъзозлаган, хурматини жойига қўйган. Уларнинг хаёти хавф-хатар остида колганда бор куч-куватини, кобилиятини, тажрибасини уларни бартараф этиш учун сарфлаган. Мисрликлар қўлида банди бўлган амир Отламишни куткариш йўлида СохибкIRON томонидан олиб борилган хам дипломатик, хам харбий саъй-харакатлар фикримизни далиллашда яккол мисол бўлади. Амир Темурнинг шахсий раҳнамолиги остида вояга етган, ўрта асрнинг энг кудратли ва интизомли армияларидан бирини барпо килишда, жахоншумул нусратларни қўлга киритишда унга сафдош бўлган саркардаларнинг хаёт йўлини асл манбалар асосида чуқур ўрганиш, темурий саркардалар галереясини яратиш Истиклол мафқураси қўяётган талабларга муайян даражада жавоб беради.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2004 йил 14-сонидан олинди.